

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
PhD.03.30.12.2019.B.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВА ДИЛОБАР АБДУКАХОРОВА

**НОАНЪАНАВИЙ МАНБАЛАР АСОСИДА ОЗУҚА ЕМИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

| | |
|---|----|
| Мирзаева Дилобар Абдукахаровна Ноанъанавий манбалар асосида озуқа еми олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... | 3 |
| Мирзаева Дилобар Абдукахаровна Разработка технологии получение кормов на основе нетрадиционных источников | 21 |
| Mirzaeva Dilobar Abdukaxorovna Development of technology for obtaining fodder on the basis of unconventional sources | 39 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 42 |

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
PhD.03.30.12.2019.B.72.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МИРЗАЕВА ДИЛОБАР АБДУКАХОРОВНА

**НОАНЪАНАВИЙ МАНБАЛАР АСОСИДА ОЗУҚА ЕМИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

03.00.12 – Биотехнология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро-2021

Фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/B587.рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.buxdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хўжамшукуров Нортжи Абдихоликович**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Кучбоев Абдурахим Эргашевич**
биология фанлари доктори, профессор

Норбоева Умида Тоштемировна
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03.30.12.2019.B.72.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлади (Манзил: 200114, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси 11-уй, Бухоро давлат университети, Маъмурий биноси, 1-қават анжуманлар зали. Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: 8(365) 221-27-07, e-mail: info@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси 11-уй, Маъмурий биноси бино, 1-қават, анжуманлар зали. Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: 8(365) 221-27-07.

Диссертация автореферати 2021 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2021 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Э.Холлиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор

Н.Э.Рашидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., доцент

Х.Т.Артикова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иқлим ўзгаришлари ва антропоген омиллар таъсири балиқчилик тармоғини анъанавий усулларда тўйимли озуқа маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. «Айниқса, сув танқислиги, тупроқ эрозияси ва тупроқ шўрланишининг ошиб бориши каби омиллар таъсирида қишлоқ хўжалик экинлари асосида балиқчилик тармоғини етарли даражада озуқа маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти кескин камайиб бормоқда»¹. Шу боисдан балиқчилик тармоғини тўйимли ва узлуксиз озуқа маҳсулотлари билан таъминлашда озуқабоп ҳашаротлар асосида ноанъанавий озуқа еми олиш технологияси ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳалари учун асосий озиқа маҳсулотлари ҳисобланган донли экинларни иқтисод қилиш мақсадида озуқабоп ҳашаротлардан самарали фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада озуқабоп ҳашаротларни саноат асосида етиштиришнинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш, улар асосида олинадиган маҳсулотларнинг озуқабоп хусусиятларини тадқиқ этиш, ҳашарот личинкаларини етиштириш жараёнидаги микробиологик ва санитар эпидемиологик чора-тадбирларни такомиллаштириш, озуқабоп ҳашаротларни етиштириш жараёнида ноанъанавий манбалардан фойдаланиш ва ҳашарот популяцияларини бошқариш усулларини такомиллаштириш, озуқабоп ҳашаротларни саноат асосида етиштириш ва улар асосида озиқ-овқат қўшимчалари ва озуқа маҳсулотлари олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда фойдали ҳашаротлардан қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилишда самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилиб, муайян илмий нтижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «..... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» муҳим вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан республикамизда балиқчилик тармоқларини тўлақонли рационга эга бўлган озуқа базаси билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қулай, таннархи арзон ва барча зарурий ингредиентларга бой бўлган ноанъанавий озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ FAO. 2014. The State of World Fisheries and Aquaculture: Opportunities and challenges. –P. 243.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939 сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4005 сон «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга, ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ер шарида озуқабоп ҳашаротларнинг 1900 дан ортиқ тури мавжуд деб ҳисоблансада (FAO, 2013; van Huis., 2015; Birgit A. Rumpold, et all, 2013), дунё амалиётида асосан *Musca domestica*, *Hermetia illucens*, *Tenebrio molitor*, *Zophobas atratus*, *Alphitobus diaperinus*, *Galleria mellonella*, *Achroia grisella*, *Bombyx mori*, *Acheta domesticus*, *Grylloides sigillatus*, *Locusta migratora migratorioides*, *Schistocerca americana* каби турларидан озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенгрок ўрганилган³.

Ўзбекистонда *Tenebrio molitor* кўнғизи турларини ўрганиш ва уларни классификациялаш Ф.Гаппаров (2014), Россияда М.Беньковская (2017) Қозоғистонда А.Иванов (2012), Украинада Л.Кузнецова (2012), Грузияда Э.Африкян (1990), Нидерландияда Geeta Goudar et al. (2012), Францияда Lecadet MM et al. (1999), Мексикада Camilla C.Neppel (2000), Сирияда Mausa Mehiar et al. (2012), АҚШда Travis R. Glare ва Maureen O'Callaghan (1998) томонидан тадқиқ этилган. Аммо, илмий манбаларда озуқабоп ҳашаротларни кўпайтириш жараёнида, тўлақонли озуқавий қийматга эга бўлган ҳашарот турлари биомассасидан фойдаланиш бўйича маълумотлар учрамайди.

Ўзбекистонда эса озуқабоп ҳашарот турларининг биологик фаол моддалар синтез қилиши, уларнинг озуқавий қийматларини аниқлаш, уларни озуқа маҳсулотлари сифатида қўллаш ҳамда озуқабоп ҳашаротларни саноат асосида етиштиришни йўлга қўйиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шу боисдан, озуқабоп ҳашарот турларини озуқавий қийматига кўра саралаш, уларни саноат асосида етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-ОТ-2019-21 «Товар балиқ чавоқларини етиштиришда табиий озуқа базаси - планктон организмларни кўпайтириш усуллари ва

³ European Food Safety Authority (2015). Risk profile related to production and consumption of insects as food and feed. EFSA Journal. 13(10):4257.

уларнинг амалий аҳамияти» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий шароитда озуқабоп ҳашаротларни етиштириш учун озуқавий қиймати юқори, таннархи арзон ва тайёрланиши қулай технологик ечимга эга бўлган озуқа манбасини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Маҳаллий шароитда *Tenebrio molitor* (Coleoptera: Tenebrionidae, ТМО) кўнғизларини лаборатория (инсектария) шароитида кўпайтириш ва унинг баъзи бир биологик хусусиятларини аниқлаш;

Tenebrio molitor кўнғизи ва личинкаларининг озуқабоп хусусиятларини тадқиқ этиш;

Tenebrio molitor кўнғизи ва унинг личинкаларини саноат шароитида кўпайтириш учун мўътадил озуқа таркибини аниқлаш;

Tenebrio molitor кўнғизи ва унинг личинкаларининг учун мўътадил ўсиб, ривожланиш шарт-шароитларини яратиш;

Янги озуқабоп озуқа еми олишнинг намунавий технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон шароитида учрайдиган озуқабоп ҳашарот турлари (*Tenebrio molitor*), кичик ряска (*Lemna minor*), азолла (*Azolla caroliniana*), буғдой кепаги ва улар асосидаги озуқа емлари ҳамда озуқа еми ишлаб чиқаришнинг намунавий технологияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети *Tenebrio molitor* кўнғизи ва личинкаларининг морфологик, физиологик ва баъзи биокимёвий хусусиятларини аниқлаш; озуқавий қийматларни ўрганиш; макросувўтлари, уларнинг ўсиб-ривожланиши, улар асосида озуқа еми қўшимчаси олишнинг тажриба-технологик чизмасини яратиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида Лоури, Доспехов, А. Steve ва Cohen Davidel, Блумберг, Scoups, Pearson ва бошқа таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бора ҳашарот → ҳашаротга назарияси (тамойили) илгари сурилиб, маҳаллий шароитда *Tenebrio molitor* кўнғизи ва унинг личинкаларининг ривожланиш фазаларидаги ўзига хос биологик хусусиятлари аниқланган;

маҳаллий *Tenebrio molitor* кўнғизи ва унинг личинкаларининг ривожланиш фазаларига боғлиқ ҳолда озуқавий қийматлари аниқланган;

Tenebrio molitor кўнғизи ва унинг личинкаларини бошқариладиган инсектария шароитида кўпайтиришнинг мўътадил шарт шароитлари ишлаб чиқилган;

илк бор озуқабоп ҳашаротлар асосида *Tenebrio molitor* кўнғизи ва унинг личинкаларининг мўътадил ўсиб, ривожланиши учун янги таркибли озуқа муҳити таркиби ишлаб чиқилган;

маҳаллий шароитда *Tenebrio molitor* кўнғизи ва унинг личинкаларини бошқариладиган инсектария шароитида кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилган;

Tenebrio molitor кўнғизи ва унинг личинкаси биомассасидан балиқчилик тармоғида озуқа захираси сифатида фойдаланиш зарурияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Tenebrio molitor кўнғизи ва унинг личинкаларини инсектария шароитида кўпайтириш учун янги таркибли, ноананавий озуқа еми олишнинг намунавий технологияси ишлаб чиқилган;

озуқабоп ҳашаротлар асосида тайёрланган «InsectaProtein» озуқа емининг озуқавий қийматлари ўрнатилиб, балиқчилик тармоғи учун янги озуқа еми қўшимчаси таркиби ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, популяцион маълумотларни замонавий дастурлар (Biostat 2007) асосида статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий *Tenebrio molitor* кўнғизи ва унинг личинкасининг энтомологик ўрни, морфо-культурал, биологик, биокимёвий ва озуқавий хусусиятларини таҳлил қилиш, мазкур ҳашаротларни мақсадли кўпайтириш учун озуқабоп ҳашаротларни асосида озуқавий қиймати юқори бўлган ҳашарот турларини танлаш асосида олинган фундаментал билимларга асосланиб «InsectaProtein» озуқа еми олишнинг мўътадил шарт-шароитларини ишлаб чиқиш, янги таркибли озуқа емининг озуқавий қийматларини ўрнатиш, мазкур озуқа емини чорвачилик ва балиқчилик тармоқлари учун озуқа захираси сифатида қўллашнинг биологик самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий шароитда *Tenebrio molitor* кўнғизи ва унинг личинкаларини бошқариладиган инсектария шароитида кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилганлиги, бунинг натижасида *Tenebrio molitor* кўнғизи ва унинг личинкаларининг мўътадил ўсиб, ривожланишини таъминлайдиган янги таркибли, ноананавий «InsectaProtein» озуқа еми олишнинг намунавий технологияси ишлаб чиқилган ҳамда унинг озуқавий қийматлари ўрнатилиб, балиқчилик тармоғи учун озуқа захираси сифатида амалиётга татбиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Озуқабоп ҳашаротлар асосида озуқавий қиймати юқори ва олиними қулай бўлган озуқа еми ишлаб

чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

озуқабоп ҳашаротлар асосида *Tenebrio molitor* қўнғизи ва унинг личинкаларининг мўтадил ўсиб, ривожланишини таъминлайдиган янги таркибли, ноананавий озуқа еми олишнинг тажриба-ишлаб чиқариш технологияси Андижон вилояти балиқчилик хўжаликларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 30-мартдаги 02/23-571-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу технология озуқавий қиймати юқори, ишлаб чиқарилиши қулай бўлган «InsectaProtein» озуқа еми ишлаб чиқариш имконини берган;

қишлоқ хўжалиги амалиётига озуқабоп ҳашаротларни мақсадли кўпайтириш технологияси Андижон вилояти, «Чинободлик Ориповлар ери» чорва фермер хўжалигида амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон» уюшмасининг 2019 йил 25 августдаги 08-204/01-сон маълумотномаси). Натижада, озуқабоп ҳашаротларни мақсадли кўпайтириш технологияси ташқи муҳит таъсирларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда балиқчилик тармоқлари учун узлуксиз озуқа захирасини яратиш имконини берган;

маҳаллий «InsectaProtein» озуқа еми Андижон вилояти, «Асатилла асл кўли» балиқчиликка ихтисослашган хўжаликда *Tenebrio molitor* қўнғизи ва унинг личинкаларини кўпайтиришда асосий озуқа еми сифатида амалиётга жорий этилган («Ўзбекистон» уюшмасининг 2021 йил 19 мартдаги 012/278-сон маълумотномаси). Натижада, «InsectaProtein» озуқа еми қўлланилганда 1 т маҳсулот етиштириш давомида 1,2 т буғдой унини иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 5 таси Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 1 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Озуқабоп ҳашаротларнинг озуқа маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тутган ўрни**» деб номланган биринчи бобида озуқабоп ҳашаротларнинг тарқалиши ва систематикаси, озуқавий қийматлари, турли хил ҳашаротлардан қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва балиқлар учун озуқа сифатида фойдаланиш имкониятлари, унинг синтез қиладиган моддаларининг физик, ҳамда, биокимёвий хусусиятлари, озуқабоп ҳашаротлар ҳамда *Tenebrio molitor* қўнғиза ва унинг личинкалари асосида яратилган ва ишлаб чиқаришда кенг қўлланилаётган озуқавий қийматга эга бўлган озуқа емилари ва қўшимчалари, улардан фойдаланиш шароитлари ва истиқболлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Озуқабоп ҳашаротларнинг биологик хусусиятларини аниқлаш ва тажриба синовларини ўтказиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида озуқабоп ҳашаротлар скрининги, уларнинг морфологик, физиологик ва биокимёвий хусусиятлари, тухумдан личинкалар чиқиши, уларнинг ривожланиш фазаларидаги биологик хусусиятлари, турли хил биофизик факторларга бўлган муносабатлари, ҳосил қиладиган озуқавий моддаларнинг озуқа муҳити таркибига боғлиқлигининг таҳлили, озуқабоп ҳашаротлар асосида тайёрланган озуқа еми ва ҳашарот→ҳашаротга тамойили асосида ўтказилган таҳлиллар лаборатория ва кичик ишлаб чиқариш тажрибаларини схематик жойлаштириш усуллари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «***Tenebrio molitor* қўнғизининг турли хил ривожланиш фазаларидаги биологик хусусиятлари ва озуқавий қийматлари**» деб номланган учинчи бобида табиий ҳудудлардан йиғилган *Tenebrio molitor* (ТМО) қўнғизларининг, ташқи кўринишидан соғлом, ҳаракатчан қўнғизлар асосида олинган F₁- вариантнинг биологик хусусиятлари аниқланган (1-жадвал). Кузатишлар давомида личинкаларнинг морфо-культурал (1-расм) ва биологик хусусиятлари илмий манбаларда келтирилган натижаларга мос келиши аниқланган, аммо личинкаларнинг минимум ва максимум узунлиги ва умумий массаси нисбатан кам эканлиги қайд этилган. Бу ҳолат уларнинг табиий шароитдан, ҳимояланган шароитга ўтганлиги ва озуқа муҳити таркиби билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги билан изоҳланган.

Тадқиқотлар давомида F₁ вариантнинг, ташқи кўринишидан соғлом, ҳаракатчан ва нисбатан ўлчами энг йирик бўлган 100 дона қўнғизларнинг стандарт озуқада (буғдой уни-50% ва буғдой кепаги-50%) ўсиб, ривожланиш динамикаси аниқланган (2-жадвал). Стандарт озуқа муҳитида тухум қўйиши (5106±20,4), тухумдан личинкалар чиқиши (4987±13,4), личинкаларнинг ўртача оғирлиги (266±0,01), личинкаларнинг тўлиқ ғумбакка айланиши (4917±3,2) ҳамда ғумбаклардан қўнғизлар чиқиш (4849±3,2) кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлган ТМО-6 қўнғиз вариантлари кейинги тадқиқотлар учун танлаб олинган.

Тадқиқотларда назорат варианты мавжуд бўлмаганлиги сабабли, бошқа вариантларга нисбатан тухум қўйиши ($4356 \pm 22,3$), тухумдан личинкаларнинг чиқиши ($4301 \pm 12,2$), ўртача оғирлиги ($226 \pm 0,03 \pm 0,03$), личинкаларнинг тўлик ғумбакка айланиши ($4251 \pm 1,6$) ҳамда ғумбаклардан қўнғизлар чиқиш ($4209 \pm 1,6$) кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлган ТМО-2 қўнғизлар варианты кейинги тадқиқотлар учун назорат варианты сифатида танлаб олинган.

1-жадвал

ТМО нинг биологик кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Ривожланиш фазалари | Минимум | Ўртача | Максимум |
|-----------------------------------|---------------------|---------------|----------------|----------------|
| Тухум қўйиши | тухумлар сони | $168 \pm 1,8$ | $457 \pm 1,8$ | $560 \pm 2,3$ |
| Узунлиги, мм | личинка | $18 \pm 0,2$ | $26 \pm 0,2$ | $38 \pm 0,5$ |
| | етук ёшли | $9,0 \pm 0,3$ | $13,0 \pm 0,2$ | $14,5 \pm 0,5$ |
| Тана оғирлиги, мг | личинка | $65 \pm 2,0$ | $120 \pm 2,2$ | $184 \pm 3,5$ |
| | етук ёшли | $115 \pm 2,5$ | $126 \pm 3,0$ | $165 \pm 3,0$ |
| Ривожланиш давомийлиги, кун, 25°C | тўлик ривожланиши | $112 \pm 3,0$ | $145 \pm 3,0$ | $188 \pm 1,0$ |
| | тухумлик босқичи | $4 \pm 0,5$ | $5 \pm 0,5$ | $6 \pm 0,5$ |
| | личинкалик босқичи | $60 \pm 2,5$ | $82 \pm 2,0$ | $90 \pm 3,0$ |
| Ривожланиш давомийлиги, кун, 25°C | Ғумбак босқичи | $5,0 \pm 0,5$ | $6,5 \pm 0,5$ | $10,0 \pm 1,5$ |
| | Етук ёшли | $25 \pm 2,0$ | $51 \pm 2,5$ | $82 \pm 2,0$ |
| Личинкалик ёшлари сони | | $11 \pm 1,0$ | $13 \pm 1,0$ | $14 \pm 1,0$ |



1



2



3



4

1-расм. *Tenebrio molitor* нинг ривожланиш босқичи: 1-тухум, 2-личинка, 3-ғумбак, 4-қўнғиз

Танланган ТМО-6 ва ТМО-2 қўнғизлар вариантыдаги ҳар бир қўнғизнинг озучавий кўрсаткичлари аниқланган (3-жадвал).

Тадқиқотларда асосий кўрсаткич сифатида оқсил ва ёғ сақлаш кўрсаткичлари асосий озучавий кўрсаткичлар сифатидан танланган. Танланган вариантлардаги ҳар бир қўнғиздан чиққан личинкалар 45 кунлик бўлганда улардаги оқсил ва ёғ сақлаши ўрганилган.

Олинган натижаларга кўра стандарт озуча муҳитида ўстирилган ТМО-6 ва ТМО-2 қўнғизлар вариантлари бир биридан нисбатан куруқ массага нисбатан оқсил ($56,57:56,35$) ва ёғ ($26,9:26,04$) сақлашига кўра кескин фарқ қилмаслиги аниқланган. ТМО-6 ва ТМО-2 қўнғизи вариантларининг оқсил сақлаш хорижий илмий манбаларда қайд қилинган (оқсил 60-63%, ёғ-30-36%) даражада бўлмасада, гўштдаги оқсилга (15-22%) нисбатан 61% га кўплиги қайд этилди. Тадқиқотнинг асосий мақсади оқсил сақлаган озуча еми олиш бўлганлиги сабабли, кейинги тадқиқотлар учун ТМО-6-7 ва ТМО-2-4 культураси объект сифатида танлаб олинган. *Tenebrio molitor* L. нинг ривожланишида турли хил ҳарорат ва нисбий намликда ўсиб, ривожланиш динамикасида яшовчанлик хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқот натижаларига

кўра 10°C ҳароратда, барча вақтлар кесимида 50-75% нисбий намликдаги ҳолат *Tenebrio molitor* нинг кичик ёшдаги (<30 мг) личинкалари учун мўътадил намлик эканлиги қайд этилган.

2-жадвал

Стандарт озуқа муҳитида ТМО кўнғизи ва личинкаларининг ривожланиш динамикаси

| ТМО вариантлари | ТМО кўнғизлари кўйган тухумлар сони, дона* | Тухумдан чиққан личинкалар сони, дона | Тухумдан личинкагача йўқотиш, % | 10 дона личинканинг ўртача оғирлиги, мг, 30-кун | Ғумбага айланган личинкалар, дона | Личинкадан ғумбаккагача йўқотиш, % | Ғумбакдан чиққан кўнғизлар сони, дона | Ғумбакдан кўнғизгача йўқотиш, % | Ривожланиш давомийлиги, кун |
|-----------------|--|---------------------------------------|---------------------------------|---|-----------------------------------|------------------------------------|---------------------------------------|---------------------------------|-----------------------------|
| ТМО-1 | 1687±17,0 | 1312±14,4 | 22,2 | 134±0,05 | 1198±1,1 | 8,68 | 1133±1,1 | 5,42 | 90 |
| ТМО-2 | 4356±22,3 | 4301±12,2 | 1,2 | 226±0,03 | 4251±1,6 | 1,16 | 4209±1,6 | 0,98 | 90 |
| ТМО-3 | 4682±18,2 | 4497±14,6 | 3,9 | 253±0,03 | 4389±2,1 | 2,40 | 4337±2,1 | 1,18 | 90 |
| ТМО-4 | 3273±23,1 | 2902±11,7 | 11,2 | 137±0,01 | 2765±1,3 | 4,72 | 2701±1,3 | 2,03 | 90 |
| ТМО-5 | 2491±11,2 | 2133±10,2 | 14,3 | 191±0,05 | 2002±2,1 | 6,14 | 1937±2,1 | 3,24 | 90 |
| ТМО-6 | 5106±20,4 | 4987±13,4 | 2,3 | 266±0,01 | 4917±3,2 | 1,40 | 4849±3,2 | 1,58 | 90 |
| ТМО-7 | 4897±21,0 | 4579±11,2 | 8,4 | 213±0,03 | 4419±1,2 | 3,49 | 4332±1,2 | 1,97 | 90 |
| ТМО-8 | 3745±17,3 | 3296±14,0 | 11,9 | 117±0,05 | 3133±2,4 | 4,94 | 3063±2,4 | 2,23 | 90 |
| ТМО-9 | 4352±12,6 | 4011±13,1 | 7,8 | 206±0,01 | 3879±1,1 | 3,29 | 3821±1,1 | 1,49 | 90 |
| ТМО-10 | 3876±13,2 | 3519±10,7 | 0,9 | 227±0,01 | 3482±3,1 | 1,01 | 3446±3,1 | 1,03 | 90 |
| Ўртача | 5364,8±17,6 | 3558±13,0 | 33,67 | 197±0,28 | 3443,5 | 1,92 | 3382,8 | 1,92 | 90 |

Изоҳ: ЭКФ-0,005; *-ТМО кўнғизларининг тухум кўйиб бошлаган вақтларидаги фарқ эътиборга олинмаган; Дастлабки ТМО сони- 10 дона.

3-жадвал

ТМО личинкаларининг 100 грамидаги озуқавий кўрсаткичлар (ўстириш давомийлигининг 35-куни, қуруқ массага нисбатан моддалар сақлаши)

| ТМО-6 | Оқсил, % | Ёғ, % | ТМО-2 | Оқсил, % | Ёғ, % |
|----------|----------|-------|----------|----------|-------|
| ТМО-6-1 | 53,6 | 27,8 | ТМО-2-1 | 54,3 | 28,4 |
| ТМО-6-2 | 55,2 | 28,2 | ТМО-2-2 | 56,1 | 24,6 |
| ТМО-6-3 | 56,7 | 26,8 | ТМО-2-3 | 54,2 | 27,3 |
| ТМО-6-4 | 53,2 | 24,2 | ТМО-2-4 | 61,4 | 23,6 |
| ТМО-6-5 | 56,1 | 23,4 | ТМО-2-5 | 58,6 | 23,1 |
| ТМО-6-6 | 58,3 | 29,2 | ТМО-2-6 | 58,1 | 28,4 |
| ТМО-6-7 | 62,1 | 23,1 | ТМО-2-7 | 54,7 | 27,4 |
| ТМО-6-8 | 55,8 | 27,3 | ТМО-2-8 | 51,9 | 26,2 |
| ТМО-6-9 | 58,3 | 28,2 | ТМО-2-9 | 58,3 | 24,3 |
| ТМО-6-10 | 56,4 | 26,4 | ТМО-2-10 | 55,4 | 27,1 |
| Ўртача | 56,57 | 26,9 | Ўртача | 56,35 | 26,04 |

Катта ёшли личинкалари 6-12 соат давомида барча нисбий намлик кўрсаткичларида сақланганда 98-99% яшовчанлик намоён этганлиги қайд этилди. Ғумбакнинг 25-95% нисбий намликларда 12-24 соат давомида намоён этган ўртача яшовчанлиги 98,75% ни ташкил этиб, мазкур намликларда 24-48 соат ушланган ғумбакга нисбатан ўртача 10,5% юқори яшовчанлик қайд этилди. Ушбу натижаларга кўра ўртача нисбий намлик 50-75% бўлиши мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Нисбий намлик 25% бўлганда, 48 соат сақланган ғумбак яшовчанликни 28%, 50% нисбий

намликда 18%, 75% нисбий намликда 8% намликни йўқотиши ҳам бунинг исботи ҳисобланади. Мазкур нисбий намликларда 24 ва 48 соат давомида сақланганда кескин даражада стресс ҳолат юзага келиб, мувофиқ равишда 58-77, 61-82, 72-89 ва 84-92% гача яшовчанликни йўқотиши аниқланди.

Демак, катта ёшли личинкалар учун 40°C ҳарорат ва 50-95% нисбий намликлар стресс омиллардан бири ҳисобланади. *Tenebrio molitor* (F₆) 40°C ҳарорат қўнғизларнинг ҳам яшовчанлигига кескин салбий таъсир кўрсатиши қайд этилган. *Tenebrio molitor* нинг оксили, унинг таркибидаги аминокислоталар сақлаш кўрсаткичлари аниқланган. *Tenebrio molitor* нинг F₆ асосида олинган ТМО-6 варианты личинкалари буғдой кепагида 31,15% оксил синтез қилган бўлса, назорат вариантга (F₁) нисбатан 11,59% кам оксил синтез қилиши кузатилди (3-жадвал).

Олинган натижаларни F₆ вариантынинг ТМО-2 ва ТМО-6 варианты личинкаларининг озуқа манбаларида оксил синтез қилиши таққосланганда, стандарт деб қабул қилинган буғдой кепагида ўртача 31,02%, ряскада 38,13% ва азоллада 30,87% оксил синтез қилиши қайд этилди. Бунда F₁ вариантыдагига нисбатан буғдой кепагида ўстирилган F₆ варианты личинкалари ўртача 4,79% кам оксил синтез қилиши аниқланди. Буғдой кепагида ўстирилган личинкаларга нисбатан ряскада ўстирилган F₆ личинкалардан 7,11% кўп оксил синтез қилиши, азоллада ўстирилганда эса 0,15% камроқ оксил синтез қилиши кузатилди (4-жадвал). Ряскада ўстирилган F₆ личинкалари, азоллада ўстирилган личинкаларга нисбатан 7,26% кўпроқ оксил синтез қилиши аниқланган.

4-жадвал


***Tenebrio molitor* личинкаларининг озуқа муҳитига боғлиқ ҳолда оксил ҳосил қилиши (қуруқ моддага нисбатан % да)**

| <i>Tenebrio molitor</i> F ₁ вариантлари | Озуқа муҳитлари | | |
|--|---|------------------------|-------------------------------|
| | ТМО-2 ва ТМО-6 вариантлари кесимида ўртача кўрсаткичлар | | |
| | Тажриба вариантларида оксил сақлаши, % | | |
| | Назорат (буғдой кепаги) | <i>Lemna minor</i> уни | <i>Azolla caroliniana</i> уни |
| 42,92 | 31,02 | 38,13 | 30,87 |

Шунга қарамасдан, тадқиқотлар давомида ряска ва азолла билан озиклантирилиб етиштирилган личинкаларнинг умумий ривожланиши ва нобуд бўлишида катта фарқлар кузатилди. Жумладан, азолла асосида етиштирилган личинкаларнинг тухум қўйиши 38,14% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ряскада 58,38% ни ташкил этганлиги қайд этилди. Буғдой кепагида етиштирилган личинкаларда тухум қўйиш кўрсаткичи 68,85% ни ташкил этганлиги қайд этилди.


Макрофитлар асосида етиштирилган сариқ ун қўнғизи личинкаларининг старли даражада оксил синтез қилиши аниқланганлиги учун кейинги тадқиқотларда мазкур личинкаларнинг яшовчанлигига турли хил макрофит асосидаги озуқа муҳитларининг таъсирини ўрганилган. 2-расмда турли хил озуқа манбалари таркибида F₆ авлодидан олинган ТМО-2 ва ТМО-6 варианты

личинкаларининг ўртача оқсил синтез қилиши акс эттирилган. ТМО-2 вариантынинг (F_6) личинкалари турли манба асосидаги озукаларда ўстирилганда турли хил даражада оқсил синтез қилиши кузатилди, жумладан, буғдой кепагида 30,89%, ряскада 38,65% ва азоллада 31,48% ни ташкил этганлиги аниқланди.



2-расм. *Tenebrio molitor* (F_6) личинкаларининг турли хил озука таркибида оқсил ҳосил қилиши (қуруқ моддага нисбатан, %)

Худди шу таркибли озука муҳитларида ТМО-6 вариантынинг (F_6) личинкалари ўстирилганда буғдой кепагида 31,15%, ряскада 37,60% ва азоллада 30,26% оқсил синтез қилганлиги қайд этилди. Умумий озиқа муҳитлари бўйича олинган натижаларга кўра қуруқ моддага нисбатан буғдой кепагида 31,02%, ряскада 38,13% ва азоллада 30,87% оқсил синтез қилиши аниқланган. 3-расмда *Tenebrio molitor* F_6 авлоди личинкаларининг ўрганилган озука манбалари кесимида яшовчанлиги қайд этилган. Жумладан, буғдой кепагида ТМО-2 варианты личинкалари 72,33%, ТМО-6 варианты личинкалари 63,67%, озука муҳити бўйича ўртача 79,83% яшовчанлик намоён қилганлиги аниқланган. Бу мазкур озука муҳитида уларнинг яшовчанлик коэффциенти 0,79 га тенг эканлигини кўрсатади. Ряска асосида ўстирилган ТМО-2 варианты личинкалари яшовчанлик коэффциенти 0,50 га тенг эканлиги қайд этилди. Азоллада ўстирилган личинкаларнинг яшовчанлик коэффциенти 0,64 га тенглиги аниқланган.




3-расм. *Tenebrio molitor* (F_6) личинкаларининг озука муҳитлари бўйича яшовчанлиги

Бу эса улар асосида озуқа таркибини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу боисдан, *Lemnaceae* туркумига оид макрофитлардан *Lemna minor* ва *Lemna gibba* турларининг ҳўл биомасса ҳосил қилиши, куруқ масса чиқиши, уларнинг оқсил ҳосил қилиши ва аминокислоталар таркибини таҳлил қилинган. Жумладан, *Lemna minor* ўртача 5,21% миқдорида куруқ масса ҳосил қилса, *Lemna gibba* да бу кўрсаткич ўртача 6,03% ни ташкил этиши аниқланган. 1 м² майдонда ўстирилган *Lemna minor* ўртача 1429,83 г, ундан куруқ модда чиқиши эса 274,53 г, *Lemna gibba* да бу кўрсаткич ўртача 1628,00 г бўлиб, ундан куруқ масса чиқиши 268,91 г бўлганлиги қайд этилган.

Илмий манбаларда эса *Lemna* асосидаги тадқиқотларда ўртача оқсил сақлаши 16-40% гача деб эътироф этилади. Рясканинг қанча оқсил сақлаши, ундаги аминокислоталар таркиби, ундан фойдаланиш истиқболларини белгилаб беради. Шу боисдан кейинги тадқиқотларда, рясканинг қуритилган биомассаси ва ундан ажратилган оқсилларнинг аминокислоталари таҳлили ўтказилган. Олинган натижаларга кўра *Lemna minor* оқсили вариантлар кесимида мувофиқ равишда 43,78; 44,01; 44,23; 44,01; 44,14 ва 44,23 мг/100мг ни ташкил этганлиги кузатилган. Бунда уларнинг улуши аминокислоталарнинг умумий миқдорига нисбатан 44,06 мг ни ташкил этганлиги аниқланган (5-жадвал).

Lemna gibba дан тоза ҳолда олинган оқсил таркибидаги алмашинмайдиган аминокислоталар улушини вариантлар кесимида мувофиқ равишда 46,30; 46,94, 46,56; 46,63, 46,97 47,03 мг/100мг ни ташкил этиб ўртача 46,74 мг ни ташкил этганлиги қайд этилган. Намунавий озуқа муҳитининг компонентлар кесимидаги таркиби 4-расмда қайд этилган. Бунда намунавий озуқа муҳити вариантлари: 1-LWbA -30%, 2-LWbA - 35%, 3-LWbA - 40%, 4-LWbA - 45%, 5-LWbA - 50%, 6-LWbA - 55%, 7- LWbA - 60% оқсил сақлайди.



4-расм. Турли хил манбалар асосида тайёрланган янги озуқа муҳитида компонентлар нисбати, г/100г

Макрофитлардан биомасса олиш ва уларнинг оксилли озукавий қийматиинг таҳлили

| Тажриба вариантлари | Макрофит турлари | Курук биомасса, г | Үрча курук масса, г | Вариантлар кесимида 1 м ² даги хўл биомасса, г | Вариантлар кесимида 1 м ² дан Үрча, курук масса чикиши, г | 100м ² майдонда хўл биомасса чикиши | 100м ² майдонда курук биомасса чикиши | Вариантлардаги оксил миклори, % | Вариантлар бўйича ўртача оксил миклори, % | Курук массадаги алмашнинмайдиган аминокислотлар миклори, мг/100мг | Оксилдаги алмашнинмайдиган аминокислотлар миклори, мг/100мг | Курук массадаги алмашнинмайдиган аминокислотларнинг ўртача | Оксилдаги алмашнинмайдиган аминокислотларнинг ўртача | Курук массадаги алмашнинмайдиган аминокислотларнинг ўртача | Оксилдаги алмашнинмайдиган аминокислотларнинг ўртача |
|---------------------|--------------------|-------------------|---------------------|---|--|--|--|---------------------------------|---|---|---|--|--|--|--|
| 1 | <i>Lemna minor</i> | 5,26 | 5,21 | 1355 | 257,6 | 1429,8 | 274,5 | 16,14 | 16,1 | 10,93 | 43,78 | 10,13 | 44,07 | | |
| 2 | | 5,13 | | 1468 | 286,1 | 15,84 | 9,91 | 44,01 | | | | | | | |
| 3 | | 5,27 | | 1486 | 281,9 | 16,23 | 9,61 | 44,23 | | | | | | | |
| 4 | | 5,48 | | 1303 | 237,7 | 15,74 | 10,06 | 44,01 | | | | | | | |
| 5 | | 5,77 | | 1789 | 310,0 | 16,34 | 10,66 | 44,14 | | | | | | | |
| 6 | | 4,34 | | 1178 | 271,4 | 16,32 | 9,61 | 44,23 | | | | | | | |
| 1 | <i>Lemna gibba</i> | 5,81 | 6,03 | 1648 | 283,6 | 1628,0 | 269,9 | 15,08 | 15,1 | 7,15 | 46,3 | 6,95 | 46,74 | | |
| 2 | | 5,67 | | 1718 | 303,0 | 14,96 | 6,67 | 46,94 | | | | | | | |
| 3 | | 5,94 | | 1592 | 268,0 | 15,18 | 6,75 | 46,56 | | | | | | | |
| 4 | | 6,42 | | 1634 | 254,5 | 14,23 | 7,29 | 46,63 | | | | | | | |
| 5 | | 6,12 | | 1598 | 261,1 | 15,78 | 6,81 | 46,97 | | | | | | | |
| 6 | | 6,23 | | 1578 | 253,2 | 15,49 | 7,01 | 47,03 | | | | | | | |

Изох: Дастлабки хўл биомасса миклори- 100 г.

Турли хил озуқа рационаларининг *Tenebrio molitor* личинкалари оксил синтези ва ўсиш тезлигига таъсири

| Озуқа мухити вариантлари | Озуқадаги оксил миқдори, % | Озуқада личинкаларнинг ўсиш тезлиги, % | | Кунлар кесимида личинкаларнинг оксил сақлаши, % | | | | Личинкаларнинг ўртача оксил миқдори | |
|--------------------------|----------------------------|--|---------|---|---------|---------|---------|-------------------------------------|---------|
| | | Назорат | Тажриба | Назорат | Тажриба | Назорат | Тажриба | Назорат | Тажриба |
| | | | | | | | | | |
| 1-LWbA | 30,0 | 0,64 | 61,55 | Назорат | Тажриба | 34,62 | 36,84 | 35,73 | |
| 2-LWbA | 35,0 | 0,64 | 83,50 | | | 40,26 | 42,48 | 41,37 | |
| 3-LWbA | 40,0 | 0,64 | 85,62 | | | 46,58 | 49,52 | 48,05 | |
| 4-LWbA | 45,0 | 0,64 | 88,49 | 30,89 | 33,02 | 52,36 | 54,22 | 53,29 | 32,0 |
| 5-LWbA | 50,0 | 0,64 | 99,82 | | | 64,48 | 65,12 | 64,80 | |
| 6-LWbA | 55,0 | 0,64 | 99,21 | | | 63,72 | 64,63 | 64,18 | |
| 7-LWbA | 60,0 | 0,64 | 98,40 | | | 63,58 | 64,72 | 64,15 | |

Tenebrio molitor авлоди личинкаларининг хашарот уни сақлаган озуқа мухитида ривожланиш кўрсаткичлари

| Озуқа мухити | Ф6 авлоди, личинкалар сони- 300 тадан | Личинкаларнинг ўртача кўрсаткичлари | | | | Личинкаларининг ўртача кўрсаткичлари | | | |
|--------------|---------------------------------------|-------------------------------------|----------------------|-----------------|----------|--------------------------------------|----------|-------|--------------|
| | | Бошлангич оғирлиги, мг | Охириги оғирлиги, мг | Ўсиш тезлиги, % | Оқсил, % | Ёғ, % | Оқсил, % | Ёғ, % | Оғирлиги, мг |
| | | | | | | | | | |
| 5-LWbA | ТМО-2 | 4,16 | 94,81 | 93,81 | 64,50 | 26,48 | 64,49 | 26,73 | 94,00 |
| 5-LWbA | ТМО-6 | 4,08 | 95,19 | 94,19 | 64,47 | 26,98 | | | |
| 5-LWbA | ТМО-2 | 4,16 | 101,33 | 98,84 | 64,26 | 28,56 | 64,42 | 28,65 | 98,89 |
| 5-LWbA | ТМО-6 | 4,08 | 102,46 | 98,94 | 64,58 | 28,75 | | | |
| 5-LWbA | ТМО-2 | 4,16 | 101,28 | 92,22 | 64,22 | 28,10 | 64,23 | 28,34 | 101,18 |
| 5-LWbA | ТМО-6 | 4,08 | 101,08 | 99,50 | 64,24 | 28,58 | | | |
| 5-LWbA | ТМО-2 | 4,16 | 100,98 | 99,43 | 64,03 | 28,04 | 64,08 | 28,33 | 101,01 |
| 5-LWbA | ТМО-6 | 4,08 | 101,04 | 99,65 | 64,13 | 28,61 | | | |

Изоҳ: 5-LWbA (100 мг): 1-жадвал бўйича. Озуқадаги оксил миқдори-50%; Озуқа мухити намлиги – 8,2%; Нисбий намлик -75%; n-5; P_{5,0}= 0,01; диапauза: 8:16. Личинкаларни максимал ўстириш давомийлиги 35 кун.

Мазкур намунавий озуқа муҳитларининг *Tenebrio molitor* (F₆) авлоди личинкалари ривожланишида ўсиш тезлиги ва оқсил ҳосил қилишига боғлиқлиги ўрганилди (6-жадвал). 5-LWbA, 6-LWbA ва 7-LWbA озуқа муҳитларида *Tenebrio molitor* (F₆) авлоди личинкалари 88,82%, 99,21% ва 98,40% ўсиш тезлигини намоён этган бўлса, шунга мувофиқ равишда 64,80%, 64,18% ва 64,15% оқсил ҳосил қилиши аниқланган. Шу боисдан *Tenebrio molitor* (F₆) авлоди личинкаларини бошқариладиган шароитда етиштириш учун энг мақбул озуқа муҳити таркиби сифатида 5- LWbA намунавий озуқа муҳити танлаб олинган.

7-жадвалда турли хил озуқа миқдори сақлаган озуқа рационларида *Tenebrio molitor* личинкаларининг ўсиш тезлиги ва оқсил ҳосил қилиши ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган. Олинган натижаларга кўра, стандарт озуқа муҳитида (буғдой кепаги) личинкаларнинг ўсиш тезлиги 0,64% ни ташкил этган бўлса, тажриба вариантларида озуқа муҳитининг оқсил сақлашига кўра ўсиш тезлиги ўзгарувчан эканлиги қайд этилди. Жумладан, ишлаб чиқариш саноатининг минимал талаби бўлган 80-86% ўсиш тезлигини личинкалар 2-LWbA ва 3-LWbA озуқа муҳитларида намоён этган бўлса, юқори ўсиш тезлиги 4-LWbA (55,49%), 5-LWbA (99,89%), 6-LWbA (99,21%) ва 7-LWbA (98,40%) озуқа муҳитлари намоён этганлиги аниқланган.

Тадқиқотлар давомида озуқа муҳити таркиби 50% оқсил сақлаганда, максимал 99,8% ўсиш тезлигига эришилганлиги, оқсил миқдори ошиб борган сари ўсиш тезлигида сезиларли ўсиш кузатилмаганлиги (7-LWbA озуқа муҳитида 99,40%) ва жуда кам миқдорда камайиб борганлиги қайд этилди (6-LWbA озуқа муҳитида 99,21%). Шунингдек, турли хил оқсил миқдорини сақлаган мазкур озуқа муҳитларида личинкаларнинг оқсил ҳосил қилиши ҳам худди ўсиш тезлигига ўхшаш корреляцион қонуниятга эга эканлиги аниқланди. Таҳлиллар натижасида озуқа муҳити таркибидаги оқсил миқдорининг энг оптимал нисбати 50,0% эканлиги аниқланди.

Озуқа муҳити таркибидаги оқсил миқдорининг ошиб бориши, личинкалар оқсил ҳосил қилишининг ошиб боришига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги, балким личинка ҳосил қиладиган оқсил миқдорининг нисбатан камайиб боришига сабаб бўлиши кузатилди (0,4/0,49%). Бу ҳолатни озуқа муҳити таркибидаги юқори миқдордаги оқсил нисбати, личинкалар танасининг хитинлашиш жараёни тезлашишига олиб келиши билан изоҳлаш мумкин.

7-жадвалда *Tenebrio molitor* личинкаларининг 5-LWbA озуқа муҳитига мазкур личинкалар унини турли хил нисбатларда қўшилганда ривожланиш кўрсаткичларининг ўзгариши бўйича маълумотлар акс эттирилган. Олинган натижаларга кўра, озуқа муҳити таркибида ёғ манбаи сифатида *Tenebrio molitor* личинкаларининг (35 кун ўстирилган) унидан фойдаланилганда, личинкалар ўсиш тезлиги, биомасса ҳосил қилиши ва биомасса таркибидаги оқсил ва ёғ миқдорларининг корреляцион қонуниятларга мос ҳолатда ошиб бориши кузатилди.

Жумладан, ҳашарот унини 10% миқдорида 5-LWbA озуқасига қўшиб берилганда ўсиш тезлиги 93,81-94,19%, биомасса ҳосил қилиши 94,81-95,19 мг, қуруқ массага нисбатан 64,47-64,50% оқсил, 26,48-26,98% ёғ сақлаши аниқланган.

Мазкур озуқа муҳитига 15% миқдорида ҳашарот уни ёғ манбаи сифатида қўшилганда ўсиш тезлиги 98,84-98,94%, биомасса ҳосил қилиши 101,33-102,46

мг, куруқ массага нисбатан 64,26-64,58% оқсил, 28,56-28,75% ёғ сақлаши қайд этилди. Бу эса 10% ҳашарот уни қўшиб берилган вариантларга нисбатан, ўсиш тезлиги 4,75%, биомасса ҳосил қилиши 7,27 мг, куруқ массага нисбатан ёғ сақлаши 1,92% ошганлиги, аммо оқсил сақлаши 0,07% миқдорида камайганлиги қайд этилган. 5-LWbA озуқасига 20% миқдорида ҳашарот уни қўшиб берилганда, ўсиш тезлиги 92,22-99,50%, биомасса ҳосил қилиши 101,08-101,28 мг, куруқ массага нисбатан 64,22-64,24% оқсил, 28,10-28,58% ёғ сақлаши қайд этилди. Бу эса 15% ҳашарот уни қўшиб берилган вариантларга нисбатан, ўсиш тезлиги 0,56% ошган бўлсада, биомасса ҳосил қилиши 1,18 мг, куруқ массага нисбатан ёғ 0,31% ва оқсил 0,19% миқдорида камайганлиги қайд этилди.

Шунингдек, личинкаларни озиклантиришда 5-LWbA озуқа муҳитига 25% миқдорида ҳашарот уни ёғ манбаи сифатида қўшиб берилганда олинган натижалар ҳам 20% ҳашарот уни қўшиб берилган вариантлардан сезиларли даражада фарқ қилмаганлиги кузатилди. Жумладан, 15% ҳашарот уни қўшиб берилган вариантларга нисбатан, ўсиш тезлиги 0,71%, биомасса ҳосил қилиши 1,42 мг ошганлиги, куруқ массага нисбатан ёғ 0,32% ва оқсил 0,34% миқдорида камайганлиги қайд этилган. Олинган натижаларни таҳлил қилганимизда, 5-LWbA озуқа муҳити таркибини ёғ манбаи билан бойитишда *Tenebrio molitor* личинкалари ундан фойдаланиш, етиштириладиган личинкаларнинг биомасса таркибидаги оқсил ва ёғ миқдорининг максимал даражада бўлишини таъминлаш имконини бериши аниқланди. 5-LWbA озуқа муҳитига қўшиладиган *Tenebrio molitor* личинкалари асосидаги уннинг оптимал миқдори 15,0% ни ташкил этади. Мазкур озуқа қўшимчасининг нисбатини ошириб бориш (20-25%) личинкаларнинг ўсиш тезлиги ва биомасса ҳосил қилишида ёғ кислоталари таркиби ўзгарувчан бўлиши кўрсатиб берилган. Мазкур озуқа қўшимчасининг нисбатини ошириб бориш (20-25%) личинкаларнинг ўсиш тезлиги ва биомасса ҳосил қилишида сезиларли даражада таъсир кўрсатсада, куруқ массага нисбатан оқсил ва ёғ сақлашига сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди. Шу боисдан, *Tenebrio molitor* личинкаларини бошқариладиган шароитда етиштириш учун *Tenebrio molitor* личинкаларининг 35 кун давомида ўстирилган личинкаси ундан 15% миқдорида 5-LWbA озуқа муҳитига қўшиб тайёрланган янги таркибли озуқа муҳитини ишлаб чиқариш жараёнида қўллашни тавсия этилган.

Шунингдек, озуқабоп ҳашаротларни ўстириш жараёнида макрофитлардан фойдаланганда буғдой кепагини 60%, балиқчилик тармоғида сариқ ун кўнғизи личинкалари ундан фойдаланилганда буғдой унини 40% гача иқтисод қилиш имконияти мавжудлиги кўрсатиб берилган.

ХУЛОСА

«Ноанъанавий манбалар асосида озуқа еми олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги биология фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *Tenebrio molitor* Linnaeus (*Coleoptera: Tenebrionidae*) озуқабоп ҳашаротини sanoat асосида узлуксиз кўпайтириш учун етук кўнғизлар популяцияси олинган;

2. Сариқ ун кўнғизини бошқариладиган шароитда етиштириш учун мақбул

шарт шароитлар, жумладан ҳарорат (личинкалар учун мин. 10°C, мак. 25°C, ғумбак учун мин. 25°C, мак. 35°C, кўнғизлар учун мин. 10°C, мак. 25°C) ва нисбий намликнинг (личинкалар учун мин.50%, мак.75%, ғумбак ва кўнғизлар учун мин. 75%, мак. 95%) оптимал кўрсаткичлари тавсия этилган.

3. Озуқбоп ҳашаротларни кўпайтириш учун макрофитлардан ряска ва азолладан фойдаланиш имкониятлари (*Lemna minor* оқсил сақлаши - 16,10%, намлиги 4,4%; *Azolla caroliniana* оқсил сақлаши 27,6%, намлик 8,2%; буғдой кепегининг оқсил сақлаши 14,2%, намлик 9,58-10,12%; личинкалар буғдой кепегида етиштирилганда ўртача яшовчанлик коэффициентлари - 0,79, ряска унида 0,50 ва азолла унида 0,64) кўрсатиб берилган.

4. *Tenebrio molitor* кўнғизининг ўсиб, ривожланиши ва зарурий фаоллигини намоеън қилиши учун мўътадил озуқа муҳити таркиби танланган (5-LWbA озуқа муҳити + 15% ҳашарот личинкаси уни (100 мг): *Lemna minor* L. уни - 37,48 мг; Буғдой кепеги -39,95 мг; *Azolla caroliniana* L.- уни 22,57 мг. Озуқадаги оқсил миқдори-50%), ҳамда ўсиб, ривожланиш шароитлари (ўстириш давомийлиги-35 кун, Озуқа муҳити намлиги - 8,2%; Нисбий намлик – 75%; фотопауза: 8:16) аниқланиб, озуқабоп ҳашаротларни бошқариладиган шароитда етиштириш учун манба сифатида фойдаланиш тавсия этилган.

5. Тавсия этилган янги таркибли (5-LWbA озуқа муҳити + 15% ҳашарот личинкаси уни) озуқа рационидида *Tenebrio molitor* личинкаларининг ўсиш тезлиги - 88,82%, оқсил ҳосил қилиши 64,80%, ёғ сақлаши 28,65% ни ташкил этиши аниқланган.

6. Тақдим этилган янги таркибли озуқа рационидида озуқабоп ҳашаротлар личинкаларини етиштириш натижасида буғдой кепегини 60%, личинкалардан балиқчиликда буғдой уни ўрнида фойдаланилганда асосий озуқадан 40% буғдой унини иқтисод қилиш имконини беради.

7. 5-LWbA озуқа муҳити таркибини балиқчилик тармоғида қўллаш асосий озуқа маҳсулотларини 26,7% гача тежаш имконини берганлиги қайд этилди. Умумий маҳсулдорликка нисбатан ҳисобланганда назорат вариантига нисбатан тажриба вариантда 1933 килограмм кўп балиқ етиштириш имконини берган.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАВСИЯЛАР

Диссертация иши доирасида олинган илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан эришилган натижаларга асосланган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиёти учун қуйидагилар:

Балиқчилик ва паррандачилик хўжаликларида тўйимли ва узлуксиз озуқа еми базасини яратиш мақсадида *Tenebrio molitor* озуқабоп ҳашароти асосида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш;

Tenebrio molitor кўнғизи ва унинг личинкаларини етиштириш давомида асосий озуқа маҳсулоти сифатида «InsectaProtein» озуқа емини қўллаш;

Tenebrio molitor кўнғизи ва унинг личинкаларини бошқариладиган инсектария шароитида кўпайтириш жараёнида максимал маҳсулдорликка эришиш учун оптимал кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади (ўстириш давомийлиги-35 кун, озуқа муҳити намлиги-8,2%; ҳарорат-28-30°C, нисбий намлик - личинка учун мин. 50%, мак.75%, ғумбак ва кўнғизлар учун мин. 75%, мак. 95%.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПОД НОМЕРОМ РнД.30.12.2019.В.72.02 ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МИРЗАЕВА ДИЛОБАР АБДУКАХОРОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЕ КОРМОВ НА ОСНОВЕ
НЕТРАДИЦИОННЫХ ИСТОЧНИКОВ**

03.00.12 – Биотехнология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РнД) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара-2021

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.2.PhD/B587.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета www.buxdu.uz и на информационном образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Хужамшукуров Нортожи Абдихоликович**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Кучбоев Абдурахим Эргашевич**
доктор биологических наук, профессор

Норбоева Умида Тоштемировна
Доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета PhD.03.30.12.2019.B.72.02 при Бухарском государственном университете 2021 «_____» _____ в 10:00 (Адрес: 200114, Бухарская область, Бухара, улица М.Икбол, 11, Бухарский Государственный Университет, Административный корпус, конференц-зал 1-й этаж, тел. : (+99865) 221-29-14, факс: 8 (365) 221-27-07, e-mail: info@buxdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирован под номером _____). (Адрес: 200114, г. Бухара, ул. М.Икбол, 11, административное здание, 1-й этаж, конференц-зал. Тел.: (+99865) 221-29-14, факс: 8 (365) 221-27- 07.

Автореферат диссертации распространен в 2021 году «_____» _____.
(Протокол регистрации № _____ в «_____» _____ 2021 г.)

А.Э.Холлиев
Председатель Ученого совета, присуждающего ученые степени
д.б.н., профессор

Н.Э.Рашидов
Ученый совет присуждение ученых степеней
ученый секретарь, к.б.н., доцент

Х.Т.Артикова
Председатель научного семинара при Ученом совете по присвоению
ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Воздействие изменения климата и антропогенных факторов в мире оказывает негативное влияние на бесперебойное снабжение рыбной промышленности питательными продуктами питания традиционными способами. «Особенно из-за таких факторов, как нехватка воды, эрозия почвы и повышение засоления почвы, снижается способность обеспечивать рыбную промышленность достаточным количеством продуктов питания на основе сельскохозяйственных культур»¹. Поэтому разработка и внедрение нетрадиционных технологий кормления на основе съедобных насекомых важны для обеспечения рыбной промышленности питательными и непрерывными пищевыми продуктами.

Во всем мире ведутся научные исследования по эффективному использованию съедобных насекомых для экономии зерновых культур, которые являются основными продуктами питания для скота, птицы и рыболовства. В связи с этим для определения технологических параметров промышленного выращивания съедобных насекомых, изучения питательных свойств продуктов на их основе, совершенствования микробиологических и санитарно-эпидемиологических мер при выращивании личинок насекомых, использования нетрадиционных источников при выращивании съедобных насекомых и совершенствовать методы управления с популяциями насекомых, особое внимание уделяется выращиванию и производству пищевых добавок и пищевых продуктов на их основе.

В нашей стране особое внимание уделяется разработке системы эффективного использования полезных насекомых при защите сельскохозяйственных культур от вредителей, и достигаются определенные научные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи «..... последовательное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное увеличение экспортного потенциала аграрного сектора»². Исходя из этих целей, в том числе обеспечение рыбной промышленности страны полноценным рационом кормов, производство нетрадиционных пищевых продуктов, удобных в производстве, недорогих и богатых всеми необходимыми ингредиентами имеет большое научное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2939 от 1 мая 2017 года «О мерах по

¹ FAO. 2014. The State of World Fisheries and Aquaculture: Opportunities and challenges. –P. 243.

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г.

